# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси**





«Қизилтепагеология» давлат геологик корхонасининг санаторий типидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бир гуруҳ фаол ходимлар шаҳар Кенгашининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

*ТАДБИРЛАР*

## ФАОЛЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**Оромгоҳлар ҳамиша болажонларимизнинг энг севимли маскани бўлиб келган. Чунки ёз бўйи фарзандларимизнинг мириқиб дам олишлари, яйраб-ўйнашлари учун оромгоҳларда барча шароитлар муҳайё этилади. Уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан дам олишларида корхона ва ташкилот касаба уюшмаларининг, хўжалик раҳбарларининг ва турли соҳа ходимларининг хизмати катта. Яқинда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашида «Болаларни соғломлаштириш ишларининг 2002 йилги якунлари бўйича оромгоҳлар жамоаларини шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг дипломи ва пул мукофотлари билан тақдирлаш» юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.**

— Жорий йилда 61 та болалар оромгоҳлари тўла фаолият кўрсатди, — дейди тадбирни очар экан шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзоҳид Содиқов. — Бу дегани 51000 дан ортиқ фарзандларимиз табиат қўйнида кўнгилдагидек дам олдилар. 2300 дан ортиқ Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларининг фарзандлари, 730 нафар 21, 22 ва 23-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бепул дам олишлари таъминланди.

Шуни айтиш керакки, тасарруфида болалар оромгоҳлари бўлган корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари ва хўжалик раҳбарлари ҳар қандай шароитда болалар масканларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминладилар. Оромгоҳлар тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, ошпазлар, маданият ва спорт ходимлари билан тўлиқ таъминланди. Соғломлаштириш ва тарбиявий ишларнинг мазмуни кенгайтирилди.

Ёзги таътил даврида касаба уюшма ташкилотлари пойтахтнинг маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройлари, клуб ва кутубхоналарда ва шу каби қатор муассасаларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тадбирларга оромгоҳларга бора олмаган ёшларнинг иштирокини уюштирдилар.

Соғломлаштириш мақсадлари учун касаба уюшмалари 1 миллиард 340 миллион сўм, шу жумладан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан 590 миллион, касаба уюшмалари бюджетидан эса 153 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Шундай қилиб 2002 йилнинг мактаб таътили даврида пойтахт меҳнаткашларининг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олиш ишларини ибратли ташкил этганлиги ва олган мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари учун 7 та стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг жамоалари, яъни «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг «Автомобилчи», «Ўздавсувлойиҳа» институтининг «Ширин булоқ», Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг «Семурғ», «Тошшаҳаргазтаъминоти» шўъба корхонасининг «Зангори олов», «Алгоритм» очиқ акционерлик жамиятининг «Алгоритм», «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг «Фазогир Гагарин», «Ўзбеккосмос» давлат агентлигининг «Қизил сой» оромгоҳлари шаҳар Кенгашининг дипломлари ва ҳар бири 100 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

*ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ*

**Таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бозор иқтисодиёти талабларига мос, етуклик мезонларига тўла жавоб бера оладиган, кадрларни тайёрлаш вазифаси Педиатрия тиббиёт институти раҳбариятининг диққат-эътиборидадир. Бугунги кунга келиб тиббий-биологик фанларнинг деярли барчаси ва кўпгина клиник фанлар бўйича ўзбек тилида дарсликлар, амалий ва ўқув қўлланмалар яратилган.**

## Зарур шароитлар яратилмоқда

Институтда иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўйича вужудга келтирилган шарт-шароитлар талабаларнинг янги истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишларига кенг йўл очиб бермоқда. Институтимизда атоқли олимлар номидаги стипендиялар ва халқаро ҳамкоримиз Жанубий Кореянинг Ёнсей университети стипендияларининг жорий этилганлиги олий таълим нуфузини ошириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Тафаккур қасри — кутубхоналар фаолиятини жонлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, институт кутубхонасида янги ўқув зали ташкил этилиб, замонавий тарзда жиҳозланди. Бу ўқув залида 4 та компьютер ишламоқда, Интернетдан фойдаланиш 20 соатга узайтирилди. Худди шундай 50 ўринли илмий-ўқув зали талабалар шаҳарчасида фойдаланишга топширилган.

Кутубхонага тиббиёт соҳасининг 31 йўналиши бўйича 33 нусхада лазерли дискетларнинг «Виртуал кутубхонаси» сотиб олинган ҳамда мультимедия, электрон, лазерли дисклар, кассеталар бўлими ташкил этилган. Илмий ўқув залида 9 мингдан ортиқ чет эл тиббиётининг адабиётлари ва журналлари мавжуд. Шу билан бирга алоҳида «Бадиий адабиётлар» бўлимида 10 мингга яқин китоблар бўлиб, илмий ходимлар ва талабалар улардан фойдаланиб келмоқдалар.

Ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун кутубхонада турли анъана ва байрамларга бағишланган кўргазмалар ташкил қилинади.

Институт миқёсида таниқли ёзувчи ва шоирлар, фан арбоблари, сиёсатшунослар, диний ташкилот арбоблари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан ўтказилаётган учрашувлар талаба ёшлар дунёқарашини кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маънавият ва маърифат жамоатчилик Кенгаши аъзолари ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбирларнинг юксак савияда ўтиши таъминланмоқда.

Институт миқёсида бир йилда тўрт маротаба илмий-амалий «Педиатр» журнали чоп этиб келинмоқда. Институт ҳаётини акс эттирувчи «Педиатр» газетаси ҳар ойда кўп нусхада чоп қилиниб, унда ходимлар ва талабалар турли мавзулардаги мақолалари билан қатнашмоқдалар.

Институт ходимлари ва талабаларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари уларни чиниқтиради, соғлиқларини мустаҳкамлайди, олган билимларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Олий ўқув юртимизда фаолият кўрсатаётган спорт клубидаги шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси бўйича мусобақаларда талабалар билан биргаликда ходимлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Талабалар институт, туман, шаҳар ва мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Жисмонан соғломлик — маънавий баркамоллик пойдеворидир.

Олий ўқув юртлари ёшларни тарбиялашда доимо маънавият маскани бўлиб хизмат қилмоқда. Бу даргоҳни битирган талаба ёшлар нафақат етук мутахассис, шу билан биргаликда дунёқараши кенг, маънавий олами бой инсонлар бўлиб етишади.

**А. МАННОНОВ,**
**Тошкент Педиатрия тиббиёт институти касаба уюшма қўмитасининг раиси, профессор.**
**Н. МАМАТОВА,**
**Тошкент Педиатрия тиббиёт институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.**

*ТАРМОҚ ҚЎМИТАЛАРИДА*

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

**Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналиши ва мазмун-моҳиятини белгилайди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси тасарруфидаги Собир Раҳимов тумани дезинфекция станциясида 64 нафар ходим туман аҳлининг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда шифокорларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2001-2003 йиллар учун муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномаси тузилиб, шу асосда ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинмоқда. Ҳозирги кунда корхона ходимларига ҳақ тўлаш бригада пудрати асосида олиб борилмоқда. Ходимлар меҳнатига яраша мукофотланади ҳамда рағбатлантирилади, моддий манфаатдорлик эса, шубҳасиз, ишнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Корхонада ички меҳнат тартиби мавжуд бўлиб, ходимлар мазкур қоидаларга биноан меҳнат қилмоқдалар.

Корхона меҳнат аҳлининг иш жойларини яхшилаш мақсадида икки миллиондан зиёд маблағ сарф қилинган ҳолда бино қайтадан таъмирланди.

Ходимларга йил мобайнида овқатланиш, дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, дезинфекция станцияси ходимларига биринчи тез тиббий ёрдам бериш учун алоҳида хона ажратилиб, керакли дори-дармонлар билан таъминланган.

Тегишли шароитга эга бўлган хонада ўқув машғулотлари, семинарлар ўтказилмоқда, тажриба алмашинмоқда.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномасига кўзда тутилган имтиёзларни бажара бориб, қўшимча кафолатларни киритмоқдалар. Жамоа шартномасига биноан ходим меҳнат таътилига чиққанда соғлиғини тиклаш учун унга бир ойлик маоши миқдорида ёрдам пули берилмоқда. Шифохонада ётган кўп болали, кам таъминланган ходимларга иш берувчи томонидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Пенсияга чиқаётган ходимларга бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам бериш режалаштирилган. Барча ходимлар шаҳардаги жамоат транспортида бепул юришлари учун йўл чипталари билан таъминланган.

Шунингдек, ҳамма ходимларга бепул сут, совун, махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари берилади.

Тўй маросимлари ва маъракаларда ходимларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. «2002 — Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан 16 нафар фахрийларга Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирда қимматбаҳо совғалар ҳадя этилди. Кексаларнинг меҳнат таътилларига пули тўланадиган 3 кунлик таътил қўшиб берилмоқда. Зеро, инсоннинг кўнглини равшан этиш, кексаларнинг дуосига сазовор бўлиш бағоят савобли иш бўлиб, бундай хайрли иш йўлидаги меҳнат кишига куч-қувват бағишлаб, иш ҳам унумли бўлади.

**Шоҳида ҲАКИМОВА,**
**Собир Раҳимов туманидаги дезинфекция станцияси касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

## КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

**Аёллар ва ёшларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириш, дунёқарашини янада кенгайтириш, уларни ватанпарварлик, кексаларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, бой тарихий меросимиз ҳамда Мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганиш мақсадида ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатининг қарорига асосан тармоқ ходимлари, Тошкент шаҳар қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда «Она ва бола» анъанавий II Республика кўрик-танлови ўтказилди. Яқинда «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниясининг катта залида кўрик-танловнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Жойларда ғолиб чиққан 20 нафар она ва бола «Фарзанд камоли — Ватан жамоли» шиори остида иккинчи босқичда иштирок этдилар.**

Ушбу тадбир ғоят катта тарбиявий аҳамиятга эгалиги, долзарблиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Учта турдан иборат бўлган беллашувлар мазмун-моҳияти билан ягона мақсадга йўналтирилиб, ўзаро уйғунлашган. Жумладан, биринчи босқич — танишув деб номланиб, она ва бола иши, ўқиши, касби, оиласи ва авлодларининг шажараси ҳақида сўзлаб беришди.

Ватан оиладан бошланади деганларидек, кейинги босқичда мустақил Ўзбекистон тарихи, Асосий Қонун Конституциямиз ва миллий анъаналар, қадриятлар ҳамда буюк алломалар тўғрисида она ва боланинг билимлари синовдан ўтказилди.

Кейинги босқич — уй вазифаси бўлиб, унда эркин мавзу бўйича ҳар бир она ва бола эзгулик ҳамда адолатга ундовчи, разиллик ва адоватни фош этувчи воқеалардан, шунингдек оила ҳаётидан кичик бир саҳна кўринишини намойиш этдилар. 1-7-синфларда таълим олаётган болажонларнинг илмга чанқоқлиги, ота-онаси, боболарига, улуғ Ватанимизга чексиз меҳр-муҳаббати, буюк ўтмишга чуқур ҳурматини самимий чеҳраси, беғубор кўзларидан кўриб киши ғоят қувонади ва келажагимиз ишончли қўлларда эканлигига қатъий ишонади.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг Зирабулоқ магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли болалар боғчасининг мураббийси Дилдора Бозорова ва Нурмуҳаммад Бозоров кўрик-танлов ғолиби бўлдилар. «Тошкент лок бўёқ заводи» қўшма корхонаси муҳандис-технологи Саломат Абдусатторова ҳамда Саидолимжон Абдусатторов фахрли иккинчи ўринни, «Маишийкимё» қўшма корхонаси муҳандиси Зулфия Тўрахонова ҳамда Саида Тўрахонова ҳурмат шоҳсупасининг учинчи поғонасини эгалладилар. Зафар қозонганлар ҳамда совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Кўрик-танлов ғолиби декабрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган якуний босқичда иштирок этади.

**Ботир АШУРБОЕВ,**
**Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси ташкилий ишлар бўлимининг мудири.**

*АНЖУМАНЛАР*

## Баҳс-мунозарали ўтди

**Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти билан Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамкорлигида академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий анжумани бўлиб ўтди.**

Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб ўтган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда ўқув юртларидан келган етакчи ва ёш тарихчи олимлар қатнашган ушбу семинар «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси»нинг тайёрланган биринчи жилди муҳокамасига бағишланди. Унда Д. Алимова, А. Аҳмедов, Ю. Бурьяков, И. Жабборов, Б. Матбобоев, Р. Сулаймонов, Ш. Камолиддин ва бошқа қатор олимлар ўз маърузалари, илмий чиқишлари билан қатнашдилар.

Ушбу мавзу семинарда атрофлича муҳокама қилиниб, баҳс ва мунозарали ўтди. Хрестоматиянинг биринчи жилдини тайёрлашда катта меҳнат амалга оширилганлигини таъкидлаш билан бир қаторда, уни илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган танқидий фикрлар, таклифлар ҳам билдирилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ

**Халқаро «Экосан» хайрия жамғармасининг атроф-муҳит муҳофазаси, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар томонлама ибратли бўлмоқда. Жамғарманинг шаҳар бўлими томонидан жойларда олиб борилаётган тадбирлар ҳамда танловлар ҳам ўз самарасини бермоқда.**

Айни кунларда шаҳримиз туманларидаги барча мактабларда халқаро «Экосан» жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Келажагимиз ва экология» деб номланган кўрик-танлов ўтказилмоқда. Шаҳримизда анъанага айланиб қолган ушбу кўрик-танлов етти йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ушбу танловда асосан мактаблар ўқувчилари ўзаро беллашиб, ўқувчилар деворий газеталари, нишонлар, қўшиқ, шеър, табиатни асраш, муҳофаза қилишга доир чиқишлари билан қатнашадилар. Унга шаҳримиздаги ҳамма мактаблар жалб қилинган бўлиб, ҳозир танловнинг иккинчи босқичи давом этмоқда.

— Танловнинг асосий шартлари асосан мактаблар тозалиги, ободончилиги, экологик хонани жиҳозлаш, мактабда санитария-гигиена аҳволи, ўқувчиларнинг экологияга доир ижодий ишлари, экологик кичик лойиҳаларни тайёрлашдан иборат, — дейди Халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Шоира Иброҳимова. — Айни кунларда муваффақиятли ўтказилаётган танловда Сергели туманидаги 264, Шайхонтоҳур туманидаги 98, Собир Раҳимов туманидаги 249, Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактаблар ғолиб деб топилдилар. Энди ғолиб мактаблар танловнинг учинчи шаҳар босқичида иштирок этадилар.

Танлов ғолиблари жамғарма томонидан муносиб совғалар билан тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

*САНЪАТ*

**Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Мюнхен камер оркестрининг концерти бўлди. Ушбу концерт Марказий Осиё бўйлаб сафар доирасида Гёте институти томонидан Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги кўмагида ташкил этилди. Оркестр 50 йил олдин ташкил топган бўлиб ўзига хос ижодий йўлни танлаган.**

## Тошкентда Мюнхен оркестри

Оркестр АҚШ, Канада, Япония, Европа мамлакатлари ва МДҲда концертлар берган. Концертда янграган Моцарт, Гумел, Бах ва бошқа машҳур бастакорларнинг мумтоз мусиқа асарлари тошкентлик санъат ихлосмандларини хушнуд этди. Оркестрнинг бой репертуари томошабинларга ўтмиш ва келажак ўртасидаги алоқадорликни ҳис этишга ёрдам беради.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## «Сўғдиёна»нинг ҳисобот концерти

**Ҳозирда ҳар бир соҳада бўлгани каби санъат соҳасида ҳам янгиланишлар жараёни юз бермоқда. Хусусан, янги-янги ансамбллар ташкил этилиб, ўз томошабинлари кўнглини хушнуд эта бошлади. «Сўғдиёна» миллий чолғу оркестри ҳам Истиқлол меваси сифатида бундан 10 йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган эди.**

Шу йиллар мобайнида мазкур ижодий жамоа санъат шинавандалари ҳузурида кўп марта бўлиб, ранг-баранг репертуарлари билан улар кўнглини хушнуд этди, кўплаб гастрол сафарлари уюштириб ўзбек санъатини дунёга кўз-кўз қилди.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Сўғдиёна» миллий чолғу оркестрининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Мазкур ижодий жамоанинг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу концертда ранг-баранг мусиқа асарлари янграб санъат шинавандалари кўнглини чоғ қилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни қўрқмай бартараф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтади: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Ҳусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Ҳикоят: зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнта келадиган чигирткани кўтариб кетаётган бир чумолини кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани ҳолда бунчалик оғир юкни ташимоқда.

Чумоли бу сўзни эшитиб кулди ва:

— Мардлар юкини гавда қуввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билаги билан ташийдилар, — деди.

**Байт:**

**Агар доно бир иш чиқмаса дунёда донодан,**
**У нодонлар билан тенг ўтса мумкин ушбу дунёдан.**

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Донишманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду, ичи бўм-бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради, телба-нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

● Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар.

● Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалбга наштардек санчилади.

Ҳикоят: кўр киши қоронғу кечада қўлида чироқ, елкасида кўзача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-баравар-ку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши кулиб айтди:

— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгил кўзи кўр бехабарлар учундир, токи менга урилиб, кўзачамни синдириб қўймагайсан.

● Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паришон яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардман одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

● Доно билан сўзлашганда камгап бўл.

● Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

● Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

● Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намоён бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони бит туркий»да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳакимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқрор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрнак олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.

**Байт:**

**Оқиллар наздида сукут сақлаш одобдур,**
**Лек савол ташлаганда сўз демоқ ижобатдир.**

● Парҳезгарда уч фазилат бор: ёмонлар билан бирга ўтиришдан сақланади, ғийбат ва ёлғондан узоқ юради, ўзи шубҳаланган нарсаларни ҳаром ҳисоблаб, шубҳаси тарқалмагунча уларга яқинлашмайди.

● Бағритошда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қониқмайди, ҳар қанча насиҳат берсалар қабул қилмайди.

● Вафолик кимсада уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (ўзгалар) гуноҳини яширади — шуларнинг ўзи унинг сидқидиллигидан нишонадир.

● Фосиқда уч аломат бор: бузуқликни севади, ўзгаларга зиён-заҳмат етказади, ҳақ йўлдан юрмайди.

**Байт:**

**Оғзига келганин демак нодоннинг иши,**
**Олиға келганни емак ҳайвоннинг иши.**

